

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлда
чиқа бошлаган.

№ 191 (6. 680)

1988 йил 23 август, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Фаоллик зарур

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамшаҳарларимизнинггина эмас, республикамиз аҳолисининг ҳам маҳаллий саноат маҳсулотлари билан таъминловчи коллективларнинг бири ҳисобланади. Бу ерда ҳозир 1500 дан ортиқ кўли гул аёллар, тикувчилик касбига меҳр қўйган қизлар меҳнат қилмоқдалар. Корхонанинг асосан маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашгани учун улар харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ҳар бир товарнинг сифати ва кўрам-лигини таъминлаш борасида астойдил изланишяпти. Бунинг натижасида тайёрланган маҳсулотларнинг сифати тобора ўсаяпти. Тежамкорлик, резервларга эътибор, муайян Чунинчи ҳар бир ишчи маҳсулот тайёрлаш жараёнида электр энергиясини, материалдан ҳамда техник воситалардан тежам билан фойдаланишни оддий нормага айлантиряпти.

Корхона асортименти ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 100 дан зиёд турдаги маҳсулот туридан турар савдо пештахталарига жўнатилляпти. Коллективнинг ўз-ўзини маънавий билан таъминлашга ўтиши ва ўз маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга бўлиши бирлашма ҳаётида энг муҳим воқеа бўлди. Бу ўзгаришлар шаҳарнинг кўп-кўп корхоналари каби корхонанинг хўжалик ҳисоби системасига ўтишида чеварларга зарур тайёрларни жараёнини ўтади. Улар 1989 йилнинг январдан хўжалик ҳисобига ўтадилар. Бунга ҳозирданок тайёрланишяпти.

Маълумки, ақинда Тошкент шаҳар партия комитетининг XII пленумида маҳаллий саноат корхоналарида «Н» белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш паст даражада эканлиги танқид қилинди. Биз шу масала юзасидан «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Азиз Каримов билан суҳбатлашдик.

Биз ҳақиқатдан ҳам план бўйича ўтган ойда «Н» белгиси билан ишлаб 186 минг сўмлик маҳсулот сотишга керак эди. Аммо баъзан сабабларга кўра фактат планнинг 22,6 процентини бажардик, қолган 154 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эдик. Биз икки-уч йилдан буён корхона реконструкция қилинишни кутганимиз, планиларнинг бажарилаётганига ҳам шу сабабларни айтиш мумкин. Ҳозир цехларимиздаги машиналарнинг 37 процентини умуман ишга яроқли эмас. Мавжуд машиналарнинг 193 таси 15 йил, 193 таси 10 йилдан буён ишлатиб келинмоқда, Фақатгина 373 тагина машинага 5 йил бўлди.

Амалдаги ҳисобга олиб, ҳар бир товарнинг сифати ва кўрам-лигини таъминлаш борасида астойдил изланишяпти. Бунинг натижасида тайёрланган маҳсулотларнинг сифати тобора ўсаяпти. Тежамкорлик, резервларга эътибор, муайян Чунинчи ҳар бир ишчи маҳсулот тайёрлаш жараёнида электр энергиясини, материалдан ҳамда техник воситалардан тежам билан фойдаланишни оддий нормага айлантиряпти.

Корхона асортименти ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 100 дан зиёд турдаги маҳсулот туридан турар савдо пештахталарига жўнатилляпти. Коллективнинг ўз-ўзини маънавий билан таъминлашга ўтиши ва ўз маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга бўлиши бирлашма ҳаётида энг муҳим воқеа бўлди. Бу ўзгаришлар шаҳарнинг кўп-кўп корхоналари каби корхонанинг хўжалик ҳисоби системасига ўтишида чеварларга зарур тайёрларни жараёнини ўтади. Улар 1989 йилнинг январдан хўжалик ҳисобига ўтадилар. Бунга ҳозирданок тайёрланишяпти.

Маълумки, ақинда Тошкент шаҳар партия комитетининг XII пленумида маҳаллий саноат корхоналарида «Н» белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш паст даражада эканлиги танқид қилинди. Биз шу масала юзасидан «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Азиз Каримов билан суҳбатлашдик.

Биз ҳақиқатдан ҳам план бўйича ўтган ойда «Н» белгиси билан ишлаб 186 минг сўмлик маҳсулот сотишга керак эди. Аммо баъзан сабабларга кўра фактат планнинг 22,6 процентини бажардик, қолган 154 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эдик. Биз икки-уч йилдан буён корхона реконструкция қилинишни кутганимиз, планиларнинг бажарилаётганига ҳам шу сабабларни айтиш мумкин. Ҳозир цехларимиздаги машиналарнинг 37 процентини умуман ишга яроқли эмас. Мавжуд машиналарнинг 193 таси 15 йил, 193 таси 10 йилдан буён ишлатиб келинмоқда, Фақатгина 373 тагина машинага 5 йил бўлди.

Албатта корхона цехларини

Х. САЙДОВ.

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА ОПЕРА


Ер юзиде ҳаммаша эзулик тентак қилиб, ёзулик тутғилини оруз қилувчи Пахтабой В. Сафаров билан В. Борисовнинг «Пахтабой» операси қаҳрамонидир. Республика кўғирчоқ театрида саҳнага қўйилган ана шу спектаклда дунёни ёзувчи кўчлардан кўрковчи «Охдирабон» мўъжиза тошини қидириб топишнинг машаққатли йўллари тўғрисида, матонат ва марҳили ҳақида ҳикоя қилинади.

Спектакл премьераси театр тарихида янги саҳифа очди. Икк бор жодий коллектив ўзи учун одатдан ташқари мавзуга боплар операсига мурожаат қилди. Аср постановкаси, театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Р. Ёқубовнинг хизмати мана шундадир. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, рессом В. Ақунди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, балетмейстер И. Исмомов операни муваффақиятли саҳналаштиришда катта ёрдам бердилар.

Ушбу масалуда театр репертуарида маҳаллий авторларнинг янги асарлари пайдо бўлди, бу драматурглар билан ҳамкорлик келтирди. Коллектив Хилдистонда СССР фестивали доирасида ана шу мамлакатда иккита спектаклни кўрсатди.

[ЎЗАТГА мухбирини]

ЗАМОНДОШИМИЗ



Интилганга толе ёр

Болалигида космонавт ёки врач бўлишни оруз қилмаган ўғил-қиз тоилмасе керак. Умида ҳам кичкинлигида оқ халат кийиб, қулоғига «фонендоскоп»ни қистирганича қуйидаги қўшнинг хиргойи қилишни яхши кўрарди: Қўғирчоғим Наташа, Еб қўйибди кўп каша. Энди нима қиламиз? Дўхтирларни қақирамиз. Алло, алло дўхтиржон, Бизда битта касал бор. Унинг оти Қўғирчоқ, Фамилиси Уяйноч...

Лекин болалик орузси бошқа-ю, ҳаёт бошқа экан. Умида ҳам врач бўлмади. Мана беш йилдирки у Тошкент тажриба техника заводида пресловчи бўлиб ишламоқда. Аммо у болалик орузсига етолмаганидан сира афсусланмайди. Коллективда пешада ишчилардан бири саналади. Кунлик, ойлик, квартал ва йиллик план топишчиларини муттасил 100—130 фоиз қилиб бажаради. Бироқ Умида бу даражага осойилкача эришгани йўқ. Заводга келган биринчи куниданоқ устозни Қадҳор ака Орипов «этига»дан маҳкам тутди. Унинг пресловчи станокда бажарган ҳар бир операциясини кўн билан ўрганди. Қўнлар, олар ўтган сайин унинг ўз ишига бўлган қизиқини ҳам орта борди. «Интилганга толе ёр» Дегадлариде Умидадан тиришқоқлиги ҳам зое кетмади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унинг ўзи устоз—заводга янги келган ёшларга иш ўргатади.

— Умида маҳсулотнинг сифати бўлишига алоҳида эътибор беради. — дейди пластмасса участкасининг катта мастери Мурод Мухторов. — У нимани тайёрламасин, ҳоҳ ўқув партаси, ҳоҳ болалар стул ва стол, ҳоҳ тортомалар ёки стол лампаси бўлсин бири чиройли, бежирки ва ишчи-пухталлиги билан ажарилиб туради. Бироқ ҳамкасблари уни илгор ишчилиги учунгина ҳурмат қилишди десак янгилашамиз. Умидадан авваламбор одам-охулиги, ширинсузлиги, ҳаққўйлиги ва меҳрибонлиги учун ҳурмат қиламиз ва аъвозлаймиз.

— Келгусида нимани оруз қиласиз? — сўраймиз Умидадан.

— Тинчлик бўлишини, болаларнинг соғ-саломат улғайишини, — жавоб беради у.

Ҳа, Умида Рихсена фақат фидойи илгичига эмас, балки авваламбор бир-биридан ширин икки қизанинг севикили ораси ҳамдир. У турмуш ўртоғи Мансур Рихсенов (дарвоқе у киши ҳам 5-таксонларнинг пешқадам илгичи) билан Муътабархон ва Лобархонларни воғта етказмоқда. Бўш вақтларида улар учун қўйлақчалар тикшири, мазади таомлар тайёрлашни яхши кўради. Ажаб эмаски, келажакда улардан бири орасининг болалик орузсига етишса, бири эса онасидек бўлишни оруз қилса, меҳрибонларидек эл-юртта танилсалар.

Ф. РАҲИМОВ.

Т. Каримов фотоси.

● СУРАТДА: Умида Рихсена.

Меҳнат семестри пешқадамлари

Ёзги меҳнат семестрини турли зарбдор қўрилишларда ўтказиш Тошкент Давлат университетини студентлари учун янгилик эмас. Шу йилнинг ўзида дорупфунун Тюменга 15, Новосибирскка 3 ва Болтиқ буйи ўлкаларига, биттадан қўрилиш-студент отрядларини юборди.


Қувончлиси шундаки, университетнинг иккита студент-қўрилиш отряди аҳолий ташаббус билан чиқди. Улар ҳуқуқшунослик факультетининг иккитэрий бирлашган «Интернационалист» ва тарих факультетининг «Тарих» отрядлари эди.

«Интернационалист» бундай ташаббусни ўтган йилги ҳам кўтариб чиққан эди. Отряд аъзолари ўз иш ҳақларининг 1937 сўмини пойтахт-мидада қўрилаган интернационал жангчилар мону-менти қўрилишига ўтказган эдилар. Айн кунларда ҳам отряд Тюмен шаҳрида ана шу эзгу инят йўлида фидоикорлик билан меҳнат қилмоқда. Улар Тюмен шаҳри

темир йўли қўрилишда шартномада белгиланган 80 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини бажариб, ундан келган маблағнинг бир қисминини ўтган йили бошланган интернационал жангчи ҳайкали фондига ўтказишга қарор қилишган. Отряднинг ўзига хос ишидан ана бири шундаки, ҳамма юрак амри билан уюшган, иккинчидан эса отрядда асосан жангчи-интернационалистлар тўпланган. Уларнинг ёдгорлигини тиклашга қўшаётган ҳиссалари

ортиб бораёпти. Ҳар бир студент-қўриувчи юксак маънавий қувватга эга эканлигини кўрсатаёпти. Тарих факультетининг «Тарих» отряди амалдаги оширётган ишлар ҳам эътиборга молик. Қўғилғили уюшиш эвазига тузилган отряд шахримизнинг 35-болалар уйини тўлиқ ремондан чиқаришга бел болаган эдилар. Эзгу мақсад ила меҳнат қилш ёшларни ҳам маънавий камолот, ҳам инсоний улғулик сари бошламоқда.

С. ҲАМИДОВ.



«Йўлигиз бехатар бўлсин!» Одатда бундай сўзларни ҳайдовчилар орасида тез-тез эшитиш мумкин. Аммо Грант Гайкович Амриён ремонтич бўлса ҳам бу иборани тез-тез қўллайди. Сабаби 6-таксомотор паркида ўз машиналарини техник ремондан чиқариш учун унинг йилига қўлаб ҳайдовчилар келиб туришди. Уларнинг буюртмасини пухта адо этганидан сўнг вестеран ремонтич «Йўлигиз бехатар бўлсин!» дея ҳайдовчиларга яхши истаб бийдорлиқ ҳам қўяди. Бунинг боиси бор, албатта. Транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириб боришда машиналарнинг пиншик-пухта ишлаши муҳим ўрнини эгаллайди. 33 йиллик иш стажига эга бўлган бу фидойи ана шу қувончли натижани таъминлаш учун ҳамон баранали меҳнат қилляпти.

СУРАТДА: Грант Гайкович Амриён.

Р. Шарипов фотоси.

Колхозчиларга ёрдам берамиз

колхозини оталиққа олган эдик — пахтакорларга ёрдам қилиш учун ҳам шарафли ҳисобланадиган. Янгидан бери бизнинг бирлашма коллективи Андижон районидеги «Амболо» совхозини ўз оталиғига олган. Пахтакорларга қўлимиздан келганича ёрдам бермокдамиз. Галинги оқинини айтиш керак, ҳозирги ошкоралик вақтида колхозчилар анча вақтлардан буён ёрдамчиларни аявватидей қучоқ очиб кўтиб олмайдиган бўлишган.

Галдеги вазифаларимиз нималардан иборат? Биринчидан, мешинсозлар қуруқ ваъдадан амалий ишга ўталаёпти. Янги уларда сўз билан иш бirlаштиришга эришдик. Мана, неча йиллардан бери улар колхозчиларнинг жонига оро қилмайдиган пахта термаш машиналарини яратиб беришмоқда. Қачонки пахта термаш машиналари иш унутмасини, деб, сохта кўрсаткичларни келдилад, колхозчиларнинг ёни ҳашарчиларнинг терган пахта

Кўрпачисми, пахта термаш машиналари ва пахтанинг янги навларига давлатимиз қанчадан-қанча миллионлаб маблағ сарфляпти. Аммо уларнинг амалий натижасига келганимизда эса ҳали қўланган мақсадга эришилмабтир.

Энди бир «сирини» ҳам айтиб ўтмоғимиз керак. Колхоз ва совхоз раҳбарлари пахта термаш машиналари иш унутмасини, деб, сохта кўрсаткичларни келдилад, колхозчиларнинг ёни ҳашарчиларнинг терган пахта

таварини машина термашга ўтказиб, мана ҳар бир машина билан кунини 7-8 тонамдан пахта терилляпти, деб кўз-бўймақчилик қилиш ҳоллари кўп учраган. Бунинг ҳеч қандай ишари-диган жойи йўқ. Пахта термаш машиналарини ижодкорлари пахтакорлар олдиде жуалдиқларини ҳис эйтишлари зарур. Ҳозирги пахта термаш машиналари эса замон талабига мутлақо жавоб бермайд.

Қисқа қилиб айтганда, бу йилги шариқта биз, ишчилар шариот тақозо этсе колхозчиларнинг оқирини енгил қилишга тайёр туришимиз, пахтани ёғин-сочини кунларга қолдирмай йиғиб-териб давлатга топшириш ҳар бир Ўзбекистон-ликнинг биринчи галдеги вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Барча ёрдамчиларга яхши шариот яратиб бериш эса район, партия ва совет ташкилотларининг, колхоз-совхоз раҳбарларининг диққат марказида туриши лозим. Шундангина «Уроқ ва Болага» ит-тифори кундан-кунга мустоҳкамлашаверди.

У. ХОЛИҚОВ.
Андижон пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастэр ёрдамчиси.

Фафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат наشريёти «Ўзбек адабиёти бўстири» туркумидан китобларни нашр этишда давом этмоқда. Бу сафар наشريёт яна Алишер Навоий иккиданга мурожаат қилди. Чунки бундан аввал наشريёт худди шу туркумда Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим», шеърини китобини нашрдан чиқарган эди. Наشريёт яқинда чоп этган китоб «Топмади» деб аталади. Ҳазратлардан иборат бўлган бу китоб Алишер Навоийнинг турли йилларда ижод қилган шеърларидан тўпланган.

Тўпланган шoirнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ҳамда «Хазойин ул-маоний» девонларидаги дурдона шеърлари жой олди. «Хазойин ул-маоний» лирик шеърлар тўплами 1492—1498 йилларда ёзилган. «Наводир ун-ниҳоя» шеърини китоби эса 1482—1487 йилларда ёзилган. Мазкур девонларнинг энг нодир шеърлари Навоий ҳаёт даврида етук ҳаттолар томонидан кўчириб ёзилган. Бу қўлзмалар бизнинг давримизга етиб келган. Шунинг учун ҳам уларнинг илмий аҳамияти беиҳсо ҳисобланмайди.

Буюк шоир ижодда пок-киза, самимий севги ва севгига садоқат, ҳикрон аламлари, вафо ва дўстлик, адолат, меҳнатсеварлик, одоб-ахлоқ, ҳаёлотлик ва бошқа инсонга хос ғазалларни қўйганда. Шу билан бир қаторда Алишер Навоий чин инсонийликка эришган инжиларни — тақаббури, ақлоқлик, ёлғончилик, фирибгарлик, жоҳиллик, бахиллик, оқчулик, ичкилик-бозлик, нодонлик ва шунга ўхшаш салбий хислатларни қоралайди.

Навоий шеърларидан жамланган «Топмади» деб ном олган ушбу тўпламга шоирнинг кўпроқ ҳаёт сабоқларидан хулосалар чиқариб, ўзининг олам ва одам ҳақидаги маърифий, ижтимоий ва фалсафий қарашларини ифодаловчи шеърлар киритилган.

Ушбу тўплам Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги Ҳамид Сулеймонов номдаги қўлзмалар институти олимлари ва наشريёт ҳодимлари ҳамкорлигида яратилди. Алишер Навоий ғазалларидан янги тўзилган тўплам кенг китобхонлар оmmasи-га манзур бўлади деб ўйлаймиш.

Савомат АЗИМОВА.

Маданият хабарлари

«Ёш гвардия» театрининг янги мавсуми

«Ёш гвардия» номли ўзбек драма театри ташкил этилган йигирма йилдан ошди. Театр коллективи янги мавсуми «Майсарининг иши» спектакли билан бошлади. Бу спектакль яқинда ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозғоғистон ёшлар театри бйринчи фестивалининг бош совринини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ўшодай изланиш учун муносиб мукофот бўлган бу муваффақият коллективни илҳомлантириб юборди. Бош режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида коллектив янги сахна асарлари устида иш олиб бормоқда. Улар орасида Н. Эрдманнинг «Алидо ҳаёти», А. Галиннинг «Сўнаётган юлдузлар», Ш. Холмйрзаевнинг «Қора камар» спектакллари бор.

Театр Ш. Холмйрзаев билан ҳамкорлигини давом эттириш ниятдадир. Ҳозир драматург «Ёш гвардия» театри учун махсус пьеса ёзмоқда. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий ва оилавий турмушдаги мавқеи таҳлил этилади. Келгусида машҳур актёр, республика халқ артисти Зейнаб Садриева ҳурматига Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини сахнага қўйиш мўлжалланмоқда.

[ЎТАГ мухбири.]

Тошкент сахнасида илк бор

Америкалик ёзувчи Ж. Стейнбекнинг Чимкент обла-стида рус драма театрида сахнага қўйилган спектакли «Одамлар ва сиҷнолар» деб аталади. Ўзбекистон пайтахтида қўшни республика артистларнинг гастроллари ана шу асар билан бошланди. Улар тошкентликларни илк бор ўз ижоди билан таништиришди.

Гастроль афшасига келинган икки йил давомида театрда сахнага қўйилган энг яхши етита спектакль киритилган. Улар орасида Р. Томинг сатирик детектив асари — «Саникз нафар кубе», А. Разумовскийнинг «Бир ҳонадонда» драмаси, А. Гельманнинг «Синаека», инглиз драматурги В. Киффнинг «Гийла» пьесалари бор. Чимкентликлар Тошкентдаги бир қанча театрларда қўйилмаган спектакллари ҳам олиб келишди. Булар А. Галиннинг «Сўнаётган юлдузлар», А. Володиннинг «Калтакесак» асарларидир.

Энг ёш томошабинларнинг қизиқишлари ҳам ҳисобга олинди. Иккита спектакль уларга аталган. Чимкентликлар Тошкент музикали комедия театри бйносида ўз спектаклларини намойиш қилади.

Шаҳар аҳолисининг нормал ҳаёт кечирishiлар ва меҳнат қилишлари учун меърида озиқ-овқат, тоза ҳаво, сув, қулай турар жой ва транспорт ҳамда дам олиш масканлари бўлиши керак. Пойтахтимиз ландшафтида кўп қаватли бинолар тез-тез пайдо бўлаётти, янча тартибдоқ ҳовли-жойлар қурилиши ҳам кенг қўлмада олиб бориляпти. Шубҳасиз, бу жараён бундан буюн ҳам жадал сурьатлар билан давом этаверади. Аммо, ақсига олиб ўлкамизнинг табиий-иқлимий ва экологик шароитига унча мос бўлмаган бундай «новча» биноларда яшаётган кекса-ёш маълум кўникмалар ҳосил қилгуларига қадар сиқилади. Демак, битта ҳовли-жойда яшаётган бир неча оиланинг аъзолари, қандай қасбда ишлашларидан қатъий назар, қисқа муддатли (масалан, бир неча соатдан бирор кеча-кундуз давомида) дам олишга ўта муҳтоялик сезади. Отада улар хай-бонларда ва истироҳат боғларида ҳордиқ чиқарадилар. Лекин кўпчилик бутун оила аъзолари билан табиатнинг роҳатбахш жойларига боришни, айниқса тоғли ўлкаларнинг оромгоҳ жойларига боришни жуда истайдилар.

Айни шу кунларда ва янги асрда ҳам нафақат пойтахтимиз аҳолиси, балки бутун Тошкент область воҳасидаги аҳоли пунктларидан ҳам ишчи-меҳнаткашларнинг табиат қўйнида ором олиши масаласи кузатилади. Шунинг учун ҳам Тошкент областининг хушманзарали жойларининг табиий-иқлимий хусусиятлари ва экологик имкониятларини аниқлаш ҳамда географик объектларни жойлаштиришнинг қўлғина жиҳатларини таҳлил қилиш керак.

Пойтахтимиз аҳолиси Чирчиқ ҳавзасининг Чимё ва Чорвоқ йўналишидаги хушманзарали оромгоҳларига боришни одат қилиб олганлар. Лекин бу ерларга барча аҳоли пунктларидан, пионерлар лагери, санаторий ва дам олиш уйлари-га эса республикамизнинг чекка ўлкаларидан, ҳатто қўшни-қардош республикалардан ҳам қўллаб қишлар ташириб буюришди. Агар мавжуд ландшафтларнинг экологик имкониятини назарда тутадиган бўлсак, шу кунлардаёқ Чимё ва Чорвоқ йўналиши махсус йўналиш билан дам олувчилар, группа ёки янча тартибдоқ сайёҳларнинг эҳтиёжини тўла қондира олмаётти дейиш мумкин. Янги асрга эса яна ўн йилдан ортиқ вақт бор.

Фикримизнинг далили тариқасида қуйидагиларни айтмоқчимиз.

● Биринчидан, тарихий таркиб топ-

ган табиий ландшафтларнинг меъёр сифатига нисбатан ортиқча одам қатнашмоқда. Агар бунинг олди олинмаса Чирчиқ ҳавзасининг шу қисмларида экологик вазиятнинг кескинлашуви кузатилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ кишиларнинг ортиқча «босим таъсири» натижа-сида қўлғина тулли ва доривор ўсимликларнинг турлари йўқолиб кетди, табиий ландшафтлар пицца, консер-ва банкалари, полиэтилен идишлар билан ифлослантирилмоқда.

Бир унлик сафарга етган кишиларнинг давлат транспортда бориб-кели-шига кетган вақти дам олишга сарфлан-ган вақтдан ортиб кетади. Баъзан бирор соат ўтар-ўтмас кетиш ташвиши, транспортни кутиш пайтидаги асаб «аранглашуви» оқибатида уйга келиб юқори кайфият, руҳан тетиклик ўрнига ҳорғинлик сезади киши.

● Тўртинчидан, оила аъзолари билан бир-икки кун (шанба-якшанба

бундай жойни фақат кун чиқар йўна-лишида ахтариш мумкинлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, агар пойтахтимиз бйно ва кўчаларидан, кун чиқар тараф-га қаралса, уфқда Чотқол тизмасининг фарбадаги «хирғи тарамлари» бўлган занкирли тоғларига кишининг назари тушади. Улар айни шу кунларда ўз қадди-қоматини кўз-кўз қилиб, Тош-кент воҳасига ҳус бахш этиб турибди. Чотқол тизмаси бу ерларда денгиз сатҳидан уч минг метрдан баянд бўл-

Тошкентта Қизилсура тоғ массиви Чимё тоғларига нисбатан анча яқин. Энг асосий тоғ-ўрмон қўриқхонасининг манкуддигидир. Қўриқхонадан кишиларга эстетик заъқ-шаъқ бағиш-лаш ва экологик билим ҳамда кўник-малар ҳосил қилириш бораида фой-дали иш таърибларини планлаштириш вақти етис келмайдиган деган ҳаёлга борасан киши. Бундан ташки таяланиб энг характерли баландлик ташкил этиш ва уни янги аср талабига мос равишда жиҳозлаш мақсадга муво-фиқ.

Барча дам олувчиларни ташвишга соладиган нарсас, бу транспорт масала-си. Чамамда, давр талабига жавоб бера оладиган транспорт воситаси аҳолига беминнат хизмат қилмас экан, бу мураккаб муаммоларига қолаверади. «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 6 январь сониде айтилган фикр-нинг заруратини яна бир бор таъкид-лаймиз. Барча муҳофаза чоралари қў-рилган ўта тез юрадиган (тахминан соатига 200—300 километр) поездлар Тошкент—Сўғоқ (ёки Паркент — Зар-кент) йўналиши бўйлаб қатнай бола-са, Чимё ва Чорвоқ йўналишига бора-диган дам олувчиларнинг маълум қис-ми шу томонга «оғди» ва табиий ландшафтларнинг дам олувчилар билан тўлиб-тошиб кетиш ҳавфини чегаралай-ди. Натижада экологик вазиятнинг кескинлиги кузатилади.

Шубҳасиз, Тошкент воҳаси ва унга туташ тоғ ландшафтларининг потен-циал экологик имкониятлари чегара-ланган, лекин кишиларнинг айл-закова-ти чегара билмайди. Бундан кейин ҳам Чирчиқ ҳавзасининг оромгоҳ жойлари-нинг экологик имконияти кўп жиҳат-дан табиат компонентларидан тўғри ҳамда оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва зарур бўлган тақ-дирда қайта тиклаш билан узвий боғ-лиқ. Шундай экан, нелаяк авлодлар-нинг ҳам фаровон ҳаёт кечирishiни назарда тутиб, кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига зарур бўлган географик объектларни илмий асосда жойлашти-ришнинг оптимал усулини излаб топи-шимиз керак.

Абдурауф СОАТОВ,
В. И. Ленин номи Тошкент Давлат
университетининг ўқитувчиси.

2000 йилга саёҳат

Янги аср ташвишлари

Ҳозирги пайтда табиатни муҳофаза қилиш, инсоннинг табиат қўйнида яйраб яшаш асосий масала бўлиб турибди. Агар Тошкент воҳасига ту-ташиб турган тоғли ўлкаларнинг табиий-иқлимий ва экологик шароитини ҳисобга оладиган бўлсак, янги асрда Чимё ва Чорвоқ йўналишидаги ма-жид барча оромгоҳ жойлар шаҳар аҳолисининг эҳтиёжини қондира олади-ми? Акс ҳолда янги дам олиш масканлари қасрда бўлади? Сайёҳ ер-ларда табиат муҳофазаси ва экологик муаммолар қай йўналишда амалга оширилади? Бу масалаларни география билан экология фанларининг назарий-амалий асосларига табиий таҳлил этиш мумкин.


● Иккинчидан, группа ва янча тартибдоқ кўнгли, яъни ўз хоҳиши билан бораётган сайёҳларнинг дам олиш-ларини яхши ташкил этадиган, айниқса уларнинг фаолиятини назорат қилиб турадиган, зарур бўлган тақдирда маъмурий чора қўрадиган махсус маъмуриятнинг йўқлигидир. Бу ҳолат, бир томондан табиий ресурсларга сал-бий таъсир кўрсата, иккинчи томон-дан турли хил кўнгилсиз воқеаларнинг содир бўлишига сабабчи бўлмоқда (мас булбик жанжал кўтариш, сувга чўкиб кетиш ва ҳоказо).

● Учинчидан, мавжуд транспорт воситаларининг турлари шу томонга қатнайдиган дам олувчиларнинг тала-бини тўла қондира олмапти. Масалан,

кунлари) давомида дам олиш ниятида борганлар учун турар жой топиш амри маҳол, топишган тақдирда ҳам урғача микродора маош оладиганлар учун ҳам қимматлик қилади (масалан, Чимёда одам бошига бир кеча-кундуз-га 7—8 сўмдан тўлаш керак). Бундай вазиятлар тартибли ва осойишта дам олишга ўқинилик қилади.

Шулардан қўрилиб турибдики, янги аср авлоди учун янги дам олиш маска-нини ҳозирладоқ режалаштириш зару-рати тугилмоқда. Ҳамма гап экологик нуқтаи назардан қулай бўлган объект танланишида. Фикримизча — Тошкент шаҳрининг шимол, ғарб ва жануб то-монларида ўзлаштирилган текисликлар ястаниб ётганлигини ҳисобга олсак,

ган иккита тоғли боғлам ҳосил қилади. Улардан биттаси Катта Чимё тоғи, иккинчиси Қизилсура деб аталади. Қизилсура тоғидан Чирчиқ ҳавзасига тегишли бўлган Оқсоғотасой, Паркент-сой, Заркентсой, Сўғоқсой, Қизилсой, Оҳангарон ҳавзасида эса Шоввозсой, Қорабогой сингари сой ва дарёчалар бошланади. Бу ерда, яъни, хушманзара Қизилсой ҳавзасининг тоғли қисми-да Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонасининг Бошқизилсой участкаси ташкил этил-ган. Лойиҳалаштирилаётган Уғом-Чотқол Давлат табиий миллий паркиннинг ғар-бий чегараси ҳам шу жойларга келиб тақалади.



Табаррук тадбир

Бизнинг авлод нонга сероб бўлган фаровон замонда яшамоқда. Кекса авлодининг ҳаёти бугунги тўкин-сочилигини бунёд этишга бағишланди. Бир қарич ер учун, бир қўлгум сув ва бир сиқим дон учун жон олиб, жон беришган қиз-ғил оловли йиллар... Ёшларимиз тарихдан, ота-боболари-дизнинг ҳикоятларидан билишад буни. Бу, нон тарихи билан боғлиқ бўлган бир жиҳат, ҳоло.

Ноннинг пайдо бўлиши, миллий ўзбек нонлари, нон ёпиш усуллари, маданияти ва унинг ривожини билан боғлиқ бўлган қанчадан-қанча гаплар борки, бунинг ҳар бир мада-ниятини киши билади. Булар ҳақида республикамиз газе-таларида, уларда энг мўътабар ноз-неъматлардан ноннинг исми ҳаётдаги ўрни, уни ишлаб чиқаришдаги маъсулият ва жавобгарлик ҳисси, нонинг исроф қилинмаслиги каби муҳим омилилар тилга олинган. Дарҳақиқат, нон нафақат моддий, балки у маънавий бойлик ҳисобланади. Одамнинг тулқ-атвори, маданияти ана шу бойликларга, хусусан, нонга бўлган муно-сабати билан белгиланади. Гап нонинг эъзозлаш ва уни те-жаб ишлатиш ҳақида бора экан, республикада Нон тари-хи музейи ташкил этиш кишиларни коммунист руҳда тарбиялашнинг энг яхши йўлларидадан биридир.

Ўзбекистон археологлари, этнографлари, фольклору-нослари, санъатшунослари, музейшунослари, ҳужжатли ки-но ҳодимлари ҳамда ўлкани ўрганиш музейлари ҳодимлари-да нон тарихи, уни ёпиш усуллари ҳақида ёзув материал-ларига бор. Афсуски бу материаллар тарвоқ ҳолда ётиб-ди. Ана шуларни бир марказга тўплаб, халқимизга, айниқса ёш авлодга нон тарихи, нон учун кураш—ҳаёт учун кураш эканлигини, халқ тарихининг турли даврлардаги нонга бўл-ган эҳтиёжларини экспозицияларда кўрсатиш шиммал-га яқиндан ёрдам беради. Олимлар, музей ҳодимлари шу со-ҳада кенг қўлмада иш олиб бурсалар, топиламанлар асо-сида экспозицияларини янги-янги коллекциялар ва материал-лар билан тўлдириб бурсалар, нур устига нур бўларди. Бу-лаёқ музей кўргазмаларида археологлар топан нон на-варлари, дон янгувчи идишлар, чақмоқ тошлар, қадимги давр-даги қўл ва сув тегириқларидан намуналар ўрни олади.

Ноннинг бебаҳо эканлигини кўрсатишга факт ва рақам-лар, унга бағишланган турли тиллардаги ва эллардаги мах-сус асарлар кутубхонасини ташкил этиш, турли мамлакат-лардан нон ҳақидаги маълумотлар, альбомлар, фотосурат-лар тўплаб бориш лозим.

Нон тарихи музейи жойлашадиган бйно ўзига ҳослиги билан акривлиб турса деймиз. Бу ерда 5-10 та нововойлар тинмай турли областларга хос бўлган нон намуналаридан ёпиб турсалар. Музейга келган туристларни меҳмонлар ис-сиқ нон билан меҳмон этсалар... Назаримизда, улар бир умр бу ажойиб манзарани эсдан чиқармасалар керак.

Донишманд халқимиз «Минг марта эшитгандан—бир марта кўрган афзал» деганларидек, бўлаёқ нон музейини аҳамияти бекиёсдир. Чунки социолог ва психолог олимларнинг тадқиқотларига қараганда, ташқи информаци-янинг 80—90 проценти кўргазмалар кўрсатиш воситаси орқа-ли қабул қилинар экан. В. И. Ленин «Кишиларнинг ҳис-туй-ғуларисиз ҳеч маҳал кишиларда ҳақиқатини қидириш бўлма-ган, бўлмайдиган ва бўлиши ҳам мумкин эмас» деб таълим беради.

Ўзбекистон Коммунистк партиясининг XXI съезди, Мар-казий Комитетнинг бир қатор Пленумларида ҳам исроф-гарчиликка қарши кураш, тежамкорлик ҳақида бир қанча марта ўқитиб ўтилди. Қайта қуриш даврининг энг муҳим проблемаларидан бири — кишиларнинг ўз қўллари билан яратган қадриятларга онгли равишда ёндошиш кераклиги таъкидланмоқда. Моддий ва маънавий маданият дурдона-ларига коммунист қарашларини соғломлашдан туриб, мам-лакатимизни қайта қуришимиз мумкин эмаслиги таъкидлан-моқда.

Республиканинг бир қатор министрликлари Нон тарихи музейини очиш ҳақидаги тақлифларни қўллаб-қувватлади-лар. Бизнинг назаримизда ушбу маскан ўз-ўзини оқлайди-ган, ҳаракатларни қоплайдиган кишиқ қорхона ва илмий му-ассаса бўладик, келтирилган фойдалар ҳисобига қўшмча би-ноларни қуриш ва тежамкор-атрофини янада ободонлаштириш мумкин.

Муқаддас Нон музейини ташкил этиш республикамиз халқларининг маданий ҳаётида энг мўътабар ишларидан бирига айланган бўлур эди. Финдор, қалби савий, бағри кенг халқимиз ушбу табаррук тадбирларини амалга ошаё-ганлигини қўриб, меҳри жўшиб тасанилар айтсин.

Ғуломқодир РАШИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Карим МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

Бинол АМИНОВ,
тарих фанлари кандидати, этнограф.

Халқ хизматида

Кундалик турмушимизни нониз тасаввур этиш мумкин? Нега у кун қато-расига бир хил таом тановул қилсак меъдამизга тегади-ю, нон ундай эмас. Умуман, ноннинг нақадар азиятчини сўз билан ифодалаб бўлар-микин! Табиатнинг энг буюк неъматини ҳеч ким муносиб таърифлаб берол-мас керак.

Биргина шаҳримизнинг ўзига қўнма қозлаб тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Биз уйда ҳузури қилиб ёйдиган бу неъматни меҳнаткаш нововойлар етказиб бериша-ди. Уларнинг иши осон эмас. Езда ҳам, қишда ҳам бир хил — терга ботиб иш-лашади. Бошқалар тунда тинчгина ором олишга татти-да улар ҳамшахарлари но-нуштаси ва тушки овангига нон тайёрлашади. Шу та-риқча бир сутка — йигирма тўрт соат давомида бу ерда ҳаракат тўхтамайди. Опоққ зувалларда қип-қизил, син-глиш лишган маҳсулотга ай-ланаверади.

Бу ер деганимиз — «Ташкентхлеб» ишлаб чи-қариш бирылашмасининг нон заводлари, уларда тер тў-каётган фидойи нововойлар-дир.

Бирлашмага қарашли 2-нон заводи коллективи ку-нига 25 тонна нон махсу-

лотларини аҳолига етказиб беради. Айниқса, у ерда тайёрланаётган патир нон-ларни харидорлар мамну-ният билан магазинлардан сотиб олишайпти.

— Коллективимиз шаҳ-римизнинг қўлғина райо-нларига хизмат кўрсатади, — дейди завод партия ташки-лотининг секретари Л. Мат-ниёзова. — Асосий мақса-димиз ҳар кунни таъмин оғизда қоладиган мазаали нонлар тайёрлаш. Ишимиз маъсулиятли ва шарафли Бундан фахрланамиз. Биз-да аёллар кўпчилигини таш-кил этади. Дам олиш ҳам шунга муносиб яратилса жуда яхши бўларди. Уч сменада иш олиб бориш-ларини ўзига яраша ташвиш-ларини ҳам бор-да, албатта. Ниятимиз яқин орада ана шу муаммоларга барҳам бериш!

Ҳа, шундай жазирама кунларда ҳам ҳорай-томай нон етказиб бераётган ки-шиларга гахмурули тубдан ахшилламоғи даркор. Ана шунда сифатли нонлар ва уларнинг турлари қўяве-ради.

Рустам ШАРИПОВ.

● СУРАТДА: патир цехи-нинг нон ясаш участкасида.
Автор фотоси.



Уй тўрдаги гилам устида битта чирой-лик патир остиғлик турарди. Отамдан су-радим. Айтди:

— Мен урушга кетаётганимда онам «Ой бориб, омон кел» деб саклаб қўйганлар, мана омон келиб бағирларингда жорбам. Хануз турибди ўша патир. Боладарим сўраса, «Бувагининг қони» деб қўяман. Азиз ёдгорлик бўлиб турибди.

Тўртлик:
Нонни эъзозларкан Исон —
Исонни улуглайди Нон.
Куйлашар умримиз қўшнинг
Бағишлаб бир-бирига жон.

Дехқонбува ҳаёлига келтирди:
— «Нон—кўёш деганимизнинг боиси, у бор жойда ёруғлик, бахт, қўшқ бўлади». Нон! Бу сўзни хоҳ чапдан, хоҳ ўнгдан ўқисанг ҳам — нон! Маромида нондек пи-ширилса нон!

Куйган нонни ушлаб Дехқонбува айтди:
— Аттан! Унинг юзини қора этиб куй-дирганлар надоматга қолади, нон — асл жонқуяр, фидойидар таомин. Асли қасбига меҳр қўйганлар, қўл гул нововойларгина чиройли ёпади. Бўрсалдоқ нонларгина жонга ҳузур бағишлаб сингади, соғлиққа —соғлиқ, қувватга — қувват қўша ола-ди.

Нонни эъзозлаганлар мана бу ибора-ларини фахр билан айтишади:
«...Бир бурда нонга зор бўлганларин кўрганлар бор».
«...Тунда ёлғиз йўл олаётганимда қў-нимда бирорта нон бўларди...»
«...Дастурхонда нон доимроқ жуфт, хос-ятли, моҳияти одамзот жуфтчилигига ишо-ра...».

Анвар МИРЗАЕВ.

Биласизми?

● Бундан 15—18 минг йил аввал Шарқий Ўрта Ер денгиз ва Олд Осиёда иловчилар ўзлар билмаган ҳолда бириччи «селекцио-нер»лар бўлишди. Улар ёвойий ҳолда ўсувчи буг-дой навларининг энг яхши-ларини йиғишди.
● 1748 йили Везувий вулкони кули остида қолган қадимги Рим шаҳарларини қавлашганда 82 буханка нон топишган.
● Олти минг йил илгари қадимги Шумер аҳолиси тарқиқ ва бугдой етишти-ришни яхши билган.
● Қадимги Хитойда бун-дан 5000 йил илгари буг-дой сепиш байрамига илме-

ратор ҳам қатнашиб, эгати-ларга уруғ ташлаган.
● Кишлоқ ҳўжалиги бу-йича олий илмий марказ — В. И. Ленин номи Бутун-иттифоқ кишлоқ ҳўжали-фанлари академияси — ВАСХНИЛ, 1929 йилда ташкил топган.
● Ҳар йили дунё бўйича 1,7 миллиард тонна дон етиштирилади, шунинг 500 миллион тоннаси бугдойдир.
● Укранда нон музейи ташкил топган. Музейдаги ажойиб экспонатлар нон етиштириш технологияси, умуман, нонга боғлиқ барча тарихий ҳикоя қилади.
● Иттифоқимизда энг кўп экиладиган бугдой нави

кузги «Безостой—1» ва «Мирон»—808» ҳисобла-нади. Улар жаами экни маъдонининг 75 процентини ташкил этади.
● Мамлакатимизда ҳар кун 85 минг тоннага яқин, 800 хил нон ёпилади (мак-рон ва бошқа маҳсулотлар бунга кирмайди). Бу миқ-дордаги юкни ташини учун 5600 темир йўл вағони ёки 27500 та юк машинаси ке-рак бўлади.

● Бир дон! дондан 20 миллиграмм ун олинади. 16 тиниллик батонини тайёрлаш учун 10.000 та дон сарф бўлади.



БАХТЛИ БОЛАЛИК ОНЛАРИ...

Р. Альбеков, А. Тўраев ва Р. Шарипов фотолари.

Қатралар

ВАФО РАМЗИ
Ер сайёраимиздан сўради:
— Кенг бу оламда вафодорнинг нима?
Вафодорим Қўш, мен унинг атрофида парванаман, у эса мени заррин нурлари билан силаб-синалайди.
...О, суюклим Раъно, мен Ер фарзанди бўлганим учун ундан намуна олиб сиз вафодоримни «Қўшним» дейманда.

ДИЛ СЎЗИ
Субҳи содиқин, тонгининг оппоқ ёришинини кўриб, яхши одамларнинг оқ кўнглини ўйлайман. Бундай соф дил айтди экан:
— Мана, янги кун ҳам бошланди, кимга қандай яхшилик қилсамкин?..

ТАБИАТ ТОШИ
Ҳамма нарсага табиатнинг ўзи қодирлик қилади. Оддий бир думалоқ тош тилга кирса, шундай дейди:
— Тогда пайдо бўлиб, нотекис Ер юзидида гоҳ юқорига, гоҳ пастга юмалаб юрибман.

Кенсалар яхши тилак айтишади:
— Омон бўл болам, бошинг тошдан бўлсин.

Одам боши тошдан бўлсин, лекин тошга ўхшаб пастга эмас, бахт-савдат чўқисига интилавирсин, дейман.

КҮН ҲАҚИ
Сурмаданг ўқиди дов-лов қизариб Қўш ботаётган эди, бир нидо келди:

— Кун бўли Ер юзидидаги яхши одамлар ишидан чақчақ уриб қувонч билан кулдим. Ёмонлар қилмишидан ёниб-ўртаниб кетдим, мана энди қизариб-бўзариб ботиб кетилман.

Қўш ботди, тун парда ёйди. Самолардан яна шундай бир садо келди:
— Эй инсон, Қўш умрингдан бир кунинг олиб кетди, бир кунинг ўтди, ҳар азиз кунингнинг яхшиликка ва олимоналигига ишларга бағишлагин.

Тўнжар РАСУЛЕВ.

Билиб қўйган яхши

Изтиробдан ёки ҳайратданми?

Инсон табиати ниҳоятда нозик ва мураккаб. Таъжуб. Одам фақатгина ҳолларда ўта шодлиққа кайфиятга тушиб қоладиган бўлса, у ҳолда аёл ёки эркак кишиликдан қатъий назар, кўларидан ёш қалқиб чиқади. Биргина мисол, Абдусалом исмли студентнинг лотерея билетига «тузукина» ютуқ чиққанида, ярим кечада кўнжа ёш олиб, ўзини ташлаб юборганининг шохиди бўлганман.

Ҳаётда учрайдиган ларзали лаҳзаларда, фожиаларда юракдан пўртана уриб юзига чиқадиган кўз ёшлари ҳам бўлади. Миннесот университетидаги бир гуруҳ олимларнинг қайд қилишларича, одамнинг кўз ёшлари кичик турга ажратилади. Ҳушлардан, олимлар ўн нафар ўз эрки билан тажрибада бўлган кишиларга тадқиқот ўтказганлар. Ниҳоятда тадқиқот ўтказганлар. Ниҳоятда тадқиқот ўтказганлар. Ниҳоятда тадқиқот ўтказганлар.

Умуман олганда, кўз ёшлари одам дарадига табиий маълум, муҳофазаловчи омил бўлиб хизмат қилади. Тажрибдор олимларнинг фикрича, дараднинг ичига ютиб, йилмайидиган кишилар юрак ва асосий хасталикларга мойил бўлади. Шу боисдан бўлса керак кенсалар, асаби ниҳоятда таранг кишиларга яқинлари ётган мазорга бориб, юракларини бўша-тиб келишни маслаҳат беришади.

Манион НАБМБ.

КОРХОНАЛАРНИНГ РАХ-ВАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ностандарт ускуналар, прессформалар ва бошқа техника жиҳозларини тайёрловчи

КЎП ТАРМОҚЛИ «ШАРҚ» КООПЕРАТИВИ

Тошкент шаҳрида жойлашган фойда бермаётган завод, кўча механизацияланган колонна ёки бутун территорияси билан ишлаб чиқариш корпусини

СОТИБ ОЛАДИ

Тактифлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 70-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси. 39-уй, 55-59-94 телефони орқали (шанба ва яншанбадан ташқари) соат 10 дан 19.00 гача қўнғироқ қилинсин.

ПЕПСИ-КОЛА—КЎПИРИБ ТУРУВЧИ, ХУШБЎЙ ВА ЛАЗЗАТЛИ ИЧИМЛИК



Пепси-колани ёшлар ҳам, катталар ҳам бирдек яхши кўради. Ёзинг иссиқ кунлари, унчақингизни қондиради, тетиклантиради. Ёш болалар билан меҳмон келган тақдирда уни бемалол дастурхонга қўйса бўлади.

ПЕПСИ-КОЛАНИ ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЯПТИ. Нархи — 45 тиин.

ПЕПСИ-КОЛАНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНАРИДАН, ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР СОТИЛАДИГАН ПАВИЛЁНЛАРДАН, ФИРМАЛИ «ОРОМ» МАГАЗИНИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ.

Яна куз келар, ёмғир, қор ёғар...


ҲОЗИР БУ ҲАҚДА ХАТО УЙЛАГАН КЕЛМАЙДИ. ВАХОЛАНКИ, КУЗНИНГ ЁГИЛИ, ИЗГИРИЛИ КҮНЛАРИ КЕЛИБ, «АТТАНГ», ДЕВ ҚОЛМАСЛИК УЧУН ИССИҚ, ҚУЛАЙ ПОЯВЗАЛ ҒАМИНИ ШУ КҮНЛАРДА КҮРИБ ҚЎЙИШ КЕРАК.

ЁШ ИГИТЛАРНИ ШАҲРИМИЗ ПОЯВЗАЛ МАГАЗИНАРИГА ТАКТИФ ҚИЛАМИЗ.

ТОШКЕНТДАГИ 2-ПОЯВЗАЛ ФАБРИКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЭТИКЛАРГА ЭЪТИВОР БЕРИНГ. УЛАР МОДАГА МОС, БАЛАНД ПОШНАСИ БОР, МОЛЛИЯ ИЛГАКЛИ, БОШЛИГИ СУНЪИЙ ХРОМДАН ТИКИЛГАН. ИЧИ МУЙНАЛИ БЎЛГАНИ УЧУН ОЕҲЛАРИНГИЗ ҲУЗУР ҚИЛАДИ.

ЭТИКНИНГ БАҲОСИ 29 СЎМ. УЛАРИ «ТАШОВУВ-ТОР»НИНГ ИХТИСОСЛАШГАН МАГАЗИНАРИДАН, МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНАРИ, БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

«УЗОВУВТОР» ТОШКЕНТ ОБЛАСТ САРДО ВАЗАСИ.




«Союзторгреблама» Бутуниттифок бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Гилам танлаш осон иш эмас!



САБАБИ, ГИЛАМ ТАНЛАЕТГАНДА ДЕВОРГА ЕПИШТИРИЛГАН ГҮЛ-ҚОҒОЗНИНГ, ПОЛНИНГ РАНГИНИ, ДАРПАРАЛАРИНИНГ ГҮЛҮ ВА РАНГИНИ ХИСОБГА ОЛИШ ЛОЗИМ.

23 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА. БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНАДА УТАДИГАН ХИВА ГИЛАМ КОМБИНАТИ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ САВДО - КЎРГАЗМАСИГА ТАШРИФ БУЮРСАНГИЗ АНА ШУ ВАЗИФАНИ ОСОНТИНА ХАЛ ЭТАСИЗ. САВДО-КЎРГАЗМА МАГАЗИНИНГ ГИЛАМЛАР КОМПЛЕКСИДА (1-қаватда) ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Бош универсал магазини танафусиз соат 9 дан 20 гача ишлайди.

Транспорт: 7, 16-грамвайлар, 8-троллейбус, 28, 91-автобусларнинг «Бош универсал магазини» бекати.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.



ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VIII да «Сўнайган юлдузлар» (19.00), 24/VIII да «Отасининг қизин» (19.00).



23 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ КҮЧИ» (17, 20.00); «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (17, 19.30).

Москва — «МЕНИНГ ГҲЗАЛ МАЛИКАМ» (20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (18.00); «ТАБИАТ ҚАРГИШИ» (16, 20.00).

Чайка — «БАХТ УЧУН УЧ КИШИ КИФОЯ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Восток — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (16, 18, 20, 21.30).

Фестиваль — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (22.00); «СИРЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ» (22.00).

Дружба — «АЛВИДО, ЗАМОСКВОРЕЦ БЕЗОРИСИ...» (тоқ соатларда); «СИНБАДНИНГ ЭТИНЧИ САЕХАТИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «ҚОРА КАЛХАТ» (17.00); «АЭРОПОРТДАГИ ВОКЕА» (18.30, 21.00).

24 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ КҮЧИ» (11, 14, 17, 20.00); «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (12, 14.30).

Москва — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (11, 13, 15.00); «МЕНИНГ ГҲЗАЛ МАЛИКАМ» (20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (10, 14, 18.00); «ТАБИАТ ҚАРГИШИ» (12, 16, 20.00).

Чайка — «БАХТ УЧУН УЧ КИШИ КИФОЯ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Восток — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (16, 18, 20, 21.30).

Фестиваль — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (22.00); «СИРЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ» (22.00).

Дружба — «АЛВИДО, ЗАМОСКВОРЕЦ БЕЗОРИСИ...» (тоқ соатларда); «СИНБАДНИНГ ЭТИНЧИ САЕХАТИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «ҚОРА КАЛХАТ» (11, 13, 15, 17.00); «АЭРОПОРТДАГИ ВОКЕА» (18.30, 21.00).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-39-51
Чайка — 77-08-20.
Тошсовет 50 йиллиги — 78-47-25.

Ўзбекистон — 35-24-92.
Ватан — 74-30-39.
Восток — 91-14-61.
Дружба — 87-96-87.
Москва — 68-68-61.

АҲОЛИ ҚҲРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАХВАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сергелдиган темир-бетон конструкциялар заводи қошида таъкил этилган

«СЕРЕБЕКО» КООПЕРАТИВИ

шартномаларга кўра ва чакана баҳоларда ФС-4, ФС-5, ФС-6 фундамент блокларини

СОТАДИ Кооператив 1989 йилда блоклар тайёрлаб бериш юзасидан шартномалар ҳам тузади.

Буюртмалар қуйидаги адресда қабул қилинади: 700155, Тошкент шаҳри, Сергелдиган темир-бетон заводи кўчаси, 2-уй (66, 177-автобусларнинг «Хуршид» бекати). Телефон: 58-44-08, соат 8.30 дан 18.00 гача мурожаат қилиш мумкин.

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ 1988-1989 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИҚУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ АЕЛЛАРИНИНГ УСТКИ ВА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТИҚУВЧИ, ТИҚУВЧИ-МОТОРИСТКАЛАР ТАЙЕРЛАБ ЧИҚАРАДИ.

8-синфини тутатган ўқувчилар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот олиб чиқади, бепул овқат, кийим-бош билан таъминланади.

10-синфини тутатган ёшлар 1 йил ўқиб, ойна 30 сўм стипендия олади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини олади. Таълим даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳолаб тамомлаган ўқувчиларнинг 10 проценти олий ўқув юрти ва техникумларга кириб ўқиш учун йўллама олади.

Ўқувчилар Индира Ганди номидаги Тиқувчилар маданият саройида бадий ҳаваскорлик тўғрисида қатнашишлари, база-корхонага қарашли санаторий-профилакторий ва медицина хизматида фойдаланишлари мумкин.

Ўқушга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, аттестат ёки маълумот ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан, ота-онасининг ишхонасидан, медицина справккалари (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика, таржима ҳол.

Билим юрти адреси: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60а, 80а автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати). Телефон 33-19-24.

16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ УЧУН ТАРОҚЛОВЧИ, ХОМ ИШ ТАЙЕРЛОВЧИ, ИГИРҲУВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ, ТЎҚУВЧИ КАСБИДАГИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЕРЛАБ БЕРАДИ.

Ўқиш муддати 8-синфини битирганлар учун — 3 йил, 10-синфини битирганлар учун 6 ойдан 1 йилгача.

3 йил таълим оладиган ўқувчиларга ўқиш даврида 3 маҳал овқат, кийим-бош берилади. Билим юртини тамомлаган, улар ўрта маълумот ҳақидаги диплом олади ва уларга эгалаган малакаси юзасидан разряд берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланади.

6 ой ва бир йил муддат билан таълим оладиган ўқувчиларга ойнага 70 сўм стипендия, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шахарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш даври узлуқсиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртларининг кечки ва сиртки бўлимларига ва техникумларга ўқишга киришда алоҳида имтиёздан фойдаланади. Комбинат қошида политехникум филиали мавжуд. Ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмуни ўтақинишлари учун билим юртида туқиш, бичиш ва тикиш тўғрисида, драма тўғрисида, спорт секциялари ишлаб турибди, шунингдек улар учун Тўқимачилик маданият саройининг ишхонаси очилган. «Текстильчилик» спорт комплекси уларнинг ихтиёрида, комбинат қошида профилакторий, Тошкент денгизда дам олиш зонаси бор.

Ўқушга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, таржима ҳол, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), характеристика.

Аризалар ҳар кун, яшанбадан ташқари соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Фрунзе району, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 80, 97-автобуслар; 25, 32 маршрутли таксиларнинг «16-СПТУ» бекати). Телефон 55-44-85.

Тошкент тамаки фабрикаси қошидаги 42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Сигареталар линияси машинист-регулировкачиси, сигареталар автоматикаси машинисти.

Ўқиш муддати — 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТНИ УТАБ КЕЛГАН ВА 18 ЕШДАН 26 ЕШГАЧА БЎЛГАН ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўм стипендия, фабрика ётоқхонасидан жой ва меҳнат практикаси вақтида олий маошларининг 50 проценти берилади. Билим юртини аъло баҳолаб билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига кириш учун йўллама олади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ариза, турар жойдан справка, паспорт, соғлиги ҳақида справка, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

ҲУЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар; 8, 9, 72, 24, 60, 156; 165-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 34-37-13.

Ёзги Олимпиада

ўйинлари арафасида



Қ И З Ё И Н

тайёргарлик

Маълумки, 17 сентябрда

Сеулда ёзги Олимпиада

ўйинларига старт берилади.

Шундай бўлса ҳам кўпгина рекордлар унинг арафасида қўйилди. Уларнинг баъзи бирлари билан

бугун таништириб ўтмоқчимиз.

● Сеулга 12 минг спортчи келиш таъмин қилинмоқда [энг кўп спортчи Мюнхенда бўлган 1972 йилги Олимпиада ўйинларига келганди — 7830 киши].

● Сеулдаги ўйинларга энг кўп маблағ кетган. Қўрилиш ва бошқа харajatлар учун 3,1 миллиард доллар сарф қилинган.

● Барча олимпиада ўйинларига қараганда Сеулда кўпроқ полициячилар, армия ва махсус хизмат кишилари жалб қилинади. Уларнинг сонини — 100 минг кишига яқин.

● Ўйинлар журналистларда катта қизиқиш ўйотмоқда. Ҳозиргача ушбу ўйинларга 5200 журналист, 9855 телевидение ва радиотўнғитириш вакиллари аккредитация қилинган. Ташкилий комитетнинг хабарига қараганда Сеулга 110 мамлакатнинг матбуот вакиллари ташриф буюришар экан. Фақатгина ЭН-Би-Си телекомпанияси «мазкур ўйинларга 1300 комментатордан ва техник хизматчилардан ташкил топган «команда»ни юборар экан.

● Мазкур ўйинлар ташкилий комитетнинг хабарига қараганда Олимпиада қишлоғида ҳафтага таъсир этувчи газ билан таъминланган транспорт воситалари ишлатиш ман этилади. Бу ерда ҳар беш минут оралиқда автобусларнинг қатъиши мавжуд қилинган. Шу билан бирга таъкилий комитет спортчилар ва тренерларга етарли даражада велосипедлар харид қилганлигини таъкидлаган. Улар Олимпиада қишлоғида тарқатилган.

● Олимпиада қишлоғида ҳозирдан 14 мингдан ортиқ каравотлар, 2 мингдан зиёд стол ва 5 мингга яқин тумбочкалар турибди.

● «Қабул қилиш» пулли хизматида 1100 киши жалб қилинган. Улар олимпиадачиларга хизмат кўрсатишади. Хизматчиларнинг тенг ярами аёللар.

● Олимпиадачиларга хизмат кўрсатган 6527 таркимондан 3587 таси ҳам аёллардир.

● Франциянинг халқаро Олимпиада комитети Сеулда 15 та медални қўлга киритиш истагида эканлигини маълум қилган. Мазкур ўйинларда жами 300 га яқин французлар иштирок этишади. Французлар эшак эшиш, дзю-до, кураш, енгил атлетика, қилич-бозлик ва от спортини каби турларда даъвогарлик қилишади. 1984 йилги Олимпиада ўйинларида Франция терма командаси қўлга киритилган медаллар ҳисоби бўйича 9-ўринни эгаллаган. Команда 5 та олтин, 7 та кумуш ва 15 та бронза медаллари соҳиб бўлган.

Тўловчи: Д. ЖАЛОЛОВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

ТОШКЕНТ ОҚИМОИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кўрилиш ва ҳақ қилари — 32-54-34; санъат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шахар ҳўналиши, савдо ва маъшият хизмат — 32-55-39, наптал кўрилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, харбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.